

"Ўзйўлбутлаш" Республика таъминот бошқармаси унитар корхонаси

Хамроев Исомиддин Исмаилович
Қабул кунлари: Пайшанба соат 15:00-16:00

Тошкент ш 100170 М.Улугбек тум. Сайрам-22

(0 371) 295-73-76

(0 371) 295-73-85

uzyulbutlash@uzavtoyul.uz

"Ўзйўлбутлаш" Республика таъминот бошқармаси унитар корхонасининг функционал вазифалари

- йўл хўжаликларининг янги техника ва технологияларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш;
- маркетинг тадқиқотлари асосида замонавий техника ва технологияларни Республика йўл хўжаликларига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни белгиланган тартибда амалга ошириш;
- тизим корхоналарига чет эл техникаси ва замонавий технологияларни тадбик этишда маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларида амалий ёрдам кўрсатиш;
- йўл хўжалиги корхоналарининг талабномаларига асосан белгиланган тартибда моддий-техник таъминот масалаларини ҳал қилиш;
- корхона, ташкилот, муассасалар билан тузилган ўзаро шартномалар асосида уларнинг зарур техника, жихоз, ускуна, материал ва маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва ўзаро шартномалар асосида ушбу моддий-техника ресурсларини етказиб бериш;
- турли хил ишлаб чиқариш ва сифатли маркетинг хизматларини кўрсатиш мақсадида вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳамда белгиланган тартибда чет эл юридик шахслари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш;
- йўл белгилари ва бўёқларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- белгиланган юкларни тегишли манзилга ўзига қарашли автотранспорт воситалари орқали марказлашган ҳолда етказиб бериш;
- лизинг шартномалари асосида келиб чиқадиган хизматларни ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришни техниковий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш хақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усувларни қўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий химоялаш ва ўзини-ўзи бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек, атроф-мухитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий

ресурслардан оқилона фойдаланиш;

- белгиланган тартибда статистика маълумотлари ва бухгалтерия ҳисботларини олиб бориш;
- бозор иқтисодиёти жараёнларидан келиб чиқсан ҳолда бозор инфраструктурасини ва коньюктурасини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва таҳлил қилиш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотларга тузилган ўзаро шартномалар асосида таъминот, автотранспорт ва бошқа хизматларни кўрсатиш;
- йўл хўжалиги корхоналарини зарур бўлган йўл қурилиш техникалари, жиҳозлари, эҳтиёт қисмлари ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш мақсадида тендер савдоларини тайёrlаш ва ўтказиш;
- йўл хўжалиги корхона ва ташкилотларининг талабларидан келиб чиқиб, Муассис билан келишилган ҳолда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйимларини ташкил қилиш;
- йўл техникаси, автотранспорт воситалари, машина ва механизmlарни таъмирлаш ва сервис хизматларини кўrсатиш;
- Корхона ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш;
- улгуржи, чакана савдо.
- фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

[Низомни юклаб олиш \(pdf, 268 kb\)](#)